

Ўзбекистон Республикаси Президенти МДҲ норасмий саммитида иштирок этади



Mustaqil Davlatlar Hamdo'stligi norasmiy sammiti 2021-yil 28-dekabr



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 декабрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарларининг норасмий саммитида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Санкт-Петербург шаҳрига боради.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг ташаббуси билан ўтказиладиган тадбир кун тартибидан МДҲ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликка оид долзарб масалалар ўрин олган.

Ҳамдўстлик мамлакатлари етакчилари йилнинг асосий яқунларини сарҳисоб қилишлари ва ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари юзасидан фикр алмашишлари кутилмоқда.

Манба